O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 28 сентябрь, чоршанба • № 78 (11.777) •

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 сентябрь куни Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг Европа ва Евросиё мамлакатлари бўйича ёрдамчиси Дэниел Фридни қабул қилди.

Музокара чоғида Ўзбекистон билан АҚШ муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари хусусида сўз борди. Шунингдек, минтақавий хавфсизликка оид масалалар муҳокама қилинди.

**ЎзА.**



## ДИЛШОД – ЯНА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

**Истиқлол йилларида спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор туфайли бугун юртимиз ҳақли равишда дунёнинг йирик спорт марказларидан бирига айланди. Мамлакатимиз теннис, бадиий гимнастика, синхрон сузиш, футбол, бокс, каратэ, кикбоксинг, дзюдо, эркин ва юнон-рум кураши, самбо бўйича йирик халқаро турнирларга мезбонлик қилди.**

Миллий курашимиз эса халқаро спорт турига айланди. Ёшларнинг бошланғич синф ўқувчисидан то олий ўқув юртлари талабаларигача бўлган қатламини ўзига қамраб олган, ҳали жаҳон тажрибасида кузатилмаган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақаларидан иборат уч босқичли узлуксиз спорт тизими жорий этилди. Ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортга, соғлом турмуш тарзига жалб қилиши, уларга спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилди.

Юртбошимиз Ислом Каримов мамлакатни бутун дунёга танитишда спортнинг ўрни беқиёс эканини алоҳида таъкидлаган эди. Бугун ушбу пурмаъно сўзларнинг исботини кўряпмиз. Мустақиллик йилларида спорт гимнастикаси устаси Оксана Чусовитина, боксчилардан Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Ўткир Ҳайдаров, Артур Григорян, юнон-рум курашчиси Дилшод Орипов, Александр Доктуришвили, эркин кураш усталари Артур Таймазов, Дилшод Мансуров, дзюдочи Абдулла Тангриев жаҳон ва қитъа чемпионатлари ҳамда Олимпиада ўйинларида ғолиб чиқди.

Будапешт шаҳридан яна бир хушхабар келди. Венгрия пойтахтида бошланган эркин кураш бўйича жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик Дилшод Мансуров жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. 55 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан ҳамюртимиз финалда Болгария вакили Радослав Великов билан куч синашди. Рақиби устидан зафар қучган Дилшод Мансуровга жаҳон чемпионатининг олтин медали топширилди ва унинг шарафига юртимиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янгради.

Дилшод Мансуровнинг ушбу ғалабаси икки йил муқаддам АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатини ёдга солди. Унгача терма жамоамиз аъзоларига эркин кураш бўйича жаҳон чемпионатларида олтин медаль олиш насиб этмаганди. АҚШдаги мусобақада Дилшод Мансуров 55 килограмм вазн тоифасида олтин медални қўлга киритган бўлса, Артур Таймазов оғирлиги 120 килограммгача бўлган курашчилар баҳсида жаҳон чемпиони бўлган эди.

Мана, орадан икки йил ўтгач, Дилшод чемпионлик унвонини муносиб ҳимоя қилди. Эркин кураш сир-асрорларини таниқли мураббий Маъмур Рўзиевдан ўрганаётган 22 ёшли полвонимиз ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳам жаҳон чемпионати олтин медалларини қўлга киритган, Осиё ўйинлари ва кўплаб халқаро турнирларда ғолиб чиққан.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

*«Пахта – 2005»*

## СУРЪАТ КУН САЙИН ЎСЯПТИ

**Вилоятимиз пахтазорларида йиғим-терим суръати авж паллага кириб бормоқда. Буни тайёрланаётган кунлик хом ашё миқдоридан ҳам билиш мумкин. Хусусан, 26 сентябрь куни далалардан қарийб 11 минг 500 тонна ҳосил йиғиб-териб олинди. Бу йиллик пахта тайёрлаш шартнома мажбуриятига нисбатан 4,2 фоизга тенгдир.**

Таъкидлаш жоизки, йиғим-терим билан боғлиқ барча тадбирлар вилоят ҳокимининг «2005 йилги пахта ҳосилини ўз вақтида йиғиб-териб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига қатъий амал қилган ҳолда уюштирилаётгани боис кунлик теримда юксак натижага эришилмоқда. Аввало, хўжалик аъзолари билан бир қаторда маҳаллий уюшмаган аҳоли ҳам бу йил пахта теримида ҳар қачонгидан фаолроқ иштирок этмоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, мавсумга жалб этилганларга терган пахталари учун ҳар беш кунлик якунида нақд пул билан ҳақ тўлаб борилмоқда. Бир қатор хўжаликларнинг раҳбарлари эса, ҳар кунлик терилган пахтага шу куннинг ўзида ҳақ тўлаш имконини топмоқдалар.

Иккинчидан, жойларда терим иштирокчилари учун ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилинаётгани ҳам суръатга суръат қўшмоқда. Жумладан, Чиноз ва Юқоричирчиқ туманларида кунига йиллик режанинг 5 фоизидан ошириб пахта тайёрланмоқда. Шунингдек, Қуйичирчиқ, Бекобод, Бўка туманларида кунлик суръат 4,2-4,8 фоизга кўтарилди.

Бугунги кунда вилоят бўйича қўл теримида 233 мингга яқин киши иштирок этмоқда. Ҳар бир теримчининг кунлик иш унуми ўртача 46-47 килограммга тўғри келмоқда. Бу борада Чиноз тумани пешқадамлик қилмоқда. Туман бўйича ўртача кўрсаткич 53 килограммдан пастга тушмаяпти.

Вилоятда машина терими ҳам аста-секин кучайиб бораяпти. Ҳозир кунига ўртача 90 та терим машинаси иштирок этмоқда. Кунига Ўртачирчиқ туманида 20 та, Қуйичирчиқ туманида эса 25 та машина юксак унум билан ишлатилмоқда.

Кечаги кунга вилоятда йиллик режанинг 42,9 фоизи миқдорида хом ашё тайёрлашга эришилди.





**СУРАТЛАРДА:** *Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» тажриба хўжалиги бош пудратчиси Рустам Мавлонов ва пудратчи Аҳмаджон Аҳмедов хом ашё сифатини кўздан кечирмоқдалар; «Хайитмирзо – Ўктам» фермер хўжалиги раҳбари Ўктам Хайитов 10,2 гектар майдондан режадаги 28,2 центнер ўрнига 35 центнердан хирмон кўтариб, шартнома мажбуриятини Бўка туманида биринчилар қатори ортиғи билан бажарди. Бунда кунига 180-200 килограммдан пахта терган Лутфия Шоиеванинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.*

**Даврон АҲМАД,**
**Еркебой БОТИРОВ**
**олган суратлар.**

**Радиоэлектроника, электротехника саноати ва асбобсозлик корхоналарини бирлаштирувчи "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси маҳсулот экспорти ҳажмини 2004 йилга нисбатан 5,44 фоизга, яъни ўттиз бир миллион долларга етказишни режалаштирди.**

## «ЎЗЭЛТЕХСАНОАТ»: ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

"Ўзэлтехсаноат" уюшмаси вакили, ишлаб чиқариш жами ҳажмидан экспорт қилинадиган маҳсулот улушини ўтган йилдаги 47,9 фоиздан 48,4 фоизга кўпайтириш режалаштирилганини таъкидлади. Тахмин қилинаётган кўрсаткичларга кўра, 2005 йилда экспортнинг энг катта миқдори хорижий инвестицияли корхоналар улушига тўғри келиб, 93 фоизни ташкил этади. Ваҳоланки, 2004 йилда бу кўрсаткич 57,1 фоиз бўлган эди.

"Ўзэлтехсаноат" корхоналари томонидан юздан зиёд турдаги маҳсулот экспорт қилинади. Энг йирик экспортчилар (жами экспорт ҳажмининг 80 фоизи) кабель, маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳисобига тўғри келади. Улар орасида "Ўзкабель", "Андижонкабель" ва "Дойче Кабель АГ Тошкент" каби корхоналарнинг маҳсулотлари айниқса харидоргир бўлмоқда.

**«Туркистон-пресс».**

*Фармон ва ижро*

## АҲОЛИ МАНФААТИ – УСТУВОР

**Коммунал хўжалик соҳасида иқтисодий ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳам шунга қаратилганлиги билан диққатга сазовордир.**

Мамлакатимизда уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида бозор муносабатлари изчиллик билан татбиқ қилинмоқда. Унинг қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базаси мустаҳкамланмоқда, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, коммунал хизматлар ҳақини тўлашдан олинган маблағлардан оқилона фойдаланишга қаратилган фаолияти кучайтирилмоқда.

Кейинги йилларда республикамизда коммунал хўжалик тизимини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ҳисоб-китобларнинг янгича механизмини жорий қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда аҳолининг ижтимоий муҳофазаси инобатга олинмоқда. Коммунал хизмат ҳақининг муайян қисми давлат бюджети ажратмалари ҳисобига тўланмоқда. Хизмат ҳақи тарифларининг асоссиз оширилишига йўл қўйилмаяпти.

— Юртбошимизнинг бу Фармони коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини қўллаб-қувватлаш қатори бу соҳа жамоалари зиммасига муайян масъулият ҳам юклайди, — дейди Тошкент вилояти «Иссиқлик манбаи» бошқармаси раҳбари Ҳамдам Сайдаминов. — 2006 йил мобайнида коммунал хўжалиги корхоналарини молиявий ва техник жиҳатдан реструктуризация қилиш, 2007 йилдан бошлаб аҳолига хизмат кўрсатадиган марказлаштирилган иситиш ва иссиқ сув таъминотининг ўзини-ўзи тўла қоплашга ўтиши бўйича ҳаракат дастурининг амалга оширилиши «Иссиқлик манбаи» корхоналари фаолиятида ҳам янги бурилиш ясайди. Тошкент вилояти ҳокимининг 2005 йил 9 сентябрдаги «Вилоят иссиқлик манбаи ишлаб чиқаришни бошқариш бошқармалари тизимини ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги 162-қарори билан шу йил 1 октябрдан корхонамиз ягона ҳисоб рақами билан марказлашган ҳолда иш юритади. Бу ўз йўналиши бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг вақтида амалга оширилиши, таннархнинг маълум миқдорда камайишига олиб келади.

Бошқарма шу кунларда қишга тайёргарлик ишларини кенг кўламда олиб бормоқда. Шу йилнинг 20 сентябригача марказий қувурларнинг 6 километрга яқини мукаммал, 28 километри жорий таъмирланди. Бекобод, Ангрен, Чирчиқ шаҳарларидаги 10 километр узунликдаги иссиқлик қувурларининг қобиқлари қайта тикланди. Шунингдек, белгиланганидан зиёд мазут заҳираси тайёрланди.

Лекин, бошқарманинг иқтисодий ривожланиши, мустаҳкам базага эга бўлиши, ниҳоят истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатишига дебитор қарзлар ҳануз ҳалал бериб келмоқда.

— Қарздорликнинг асосий қисми Ангрен, Чирчиқ шаҳарларига тўғри келади, — дейди Ҳамдам Рустамович. — Жумладан, Ангрен аҳолисининг иссиқлик ва иссиқ сувдан қарзи 2 миллиард 413 миллион 620 минг сўмни ташкил этади. Чирчиқда ҳам шундай аҳвол ҳукм сурмоқда. Бу эса ўз навбатида қиш-қировли кунларда иссиқлик етказиб берувчи электр станцияси билан иссиқлик истеъмолчилари ўртасидаги ҳисоб-китоблар механизмининг такомиллашувига салбий таъсир кўрсатиши турган гап. Шундай экан, ҳар бир мижоз шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминламоғи лозим.

Суҳбатдошимизнинг эътироф этишича, бў йил 830 миллион сўмлик умумий қарздорлик суд органларида кўриб чиқилиб, шундан 730 миллион сўми бўйича қарор чиқарилди. Шунга қарамай, у бажарилмаяпти, истеъмолчилар томонидан лоқайдлик давом этмоқда.

Бу Фармонда 2006 йилда марказлаштирилган иситиш ва иссиқ сув таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматлар тарифларининг миқдори 10 фоиз бўлган фарқини иссиқлик таъминоти корхоналарига давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаш масаласи кўрсатиб ўтилган. Шундай экан, ҳукуматимизнинг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва коммунал хизмат корхоналарининг қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ҳаракатларини фаолиятимизнинг дастуриламали деб билайлик. Зеро, мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳар бир шундай муҳим ҳужжат замирида аввало инсон манфаатлари туради.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

*Муносабат*

## «ВАТАНДАН ЯХШИ ЁР БЎЛМАС»

**Истиқлолимизнинг ўн тўрт йили давомида амалга оширилган хайрли ишлар, эришилган ютуқлар ҳақида эшитиб, уларни кўриб, кўнглим тоғдек кўтарилади. Қисқа фурсат ичидаги оламшумул воқеалар Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўси, нуфузини ошириб бораётганлиги аниқ. Аммо, «Мевали дарахтга тош отилади» деганлари ҳам бор гап.**

Мана, Андижон воқеаларини олайлик. Билган у деди, билмаган бу. Охир-оқибат ҳақиқат юзага чиқди. Юртимиз тинчлиги, обрўсига путур етказмоқчи бўлган ғаламислар қўлга тушди. Тўғри, улар ҳам воқеани четдан туриб кузатаётган ғанимларимиз қўлидаги «қўғирчоқ» эканлиги аниқ бўлиб қолди.

Бугун Республика Олий судида шу йил 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятлари юзасидан кўрсатма бераётган шахслар ўзларининг жиноий ҳаракатларига иқрор бўлиб, улар ҳақида батафсил гапириб беришаяпти. Хориж матбуоти оламга жар солганидек, ўша машъум воқеалар «тинч намойишчиларнинг оддий чиқишлари» эмас, балки олдиндан пухта режалаштирилган, хорижий марказлар билан боғланган қуролли ҳаракат эканлиги тобора ойдинлашиб бораётир. Мен суд жараёнида кўрсатма бераётган Мўйдин Собиров, Алишер Ҳакимов, Абдулхафиз Ғозиев ва бошқа шахсларнинг ўз хатти-ҳаракатлари ҳақидаги ҳикояларини тинглаб туриб, инсон боласи қанчалар тубан кетиши мумкинлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилмоқдаман. Жиноятчи гуруҳлар Андижонда қанчадан-қанча бегуноҳ одамларнинг қонини тўкди. Маъмурий ва маданий-маърифий биноларни яксон қилди. Турли йилларда «акромийлар» тузоғига илинган бу шахслар бугун панжара ортида ўтириб, ўз қилмишлари ҳақида батафсил кўрсатма беришаяпти. Улар қўлларига қурол олиб, қанчадан-қанча ҳамюртларимизнинг умрига зомин бўлишди. Кўчаларда машиналарга ўт қўйиб, халқимизнинг тинчлигини бузишди. Энди бу кимсалар ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб, енгилроқ жазо беришларини сўрашяпти. Лекин ўз халқининг юзига оёқ қўйган, ўз юртига вайронгарчиликлар келтиришга отланган кимсаларнинг жинояти қонунга муносиб жазоланиши керак.

Мен Андижон воқеалари муносабати билан эндигина оқ-қорани ажратиб келаётган навниҳол ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, йўлдан тойдиришга ҳаракат қилаётган хиёнатчиларнинг қутқусидан огоҳ бўлиш, ёшларни эҳтиёт қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Биз ёшларимиз тарбияси билан мунтазам шуғулланишимиз, уларга оқ-қорани барвақт тушунтиришимиз, Ватандан яхши ёр бўлмаслигини, унинг тупроғини ҳеч кимга хор қилиб қўймаслигимиз лозимлигини уларнинг онгига сингдира боришимиз кераклигини айтмоқчиман. Ўзини, ўзлигини яхши тушунган, қадрини билган ҳар қандай инсон ўзганинг иғвосига берилиб, ўз хонадонига ўт қўймайди.

Биз ўз уйимиз, ўз она-Ватанимизни унсурлар қутқуларидан, хуружларидан кўз қорачиғидек асрашимиз керак. Акс ҳолда келажак олдида, тарих олдида катта хатога йўл қўйган бўламиз. Андижон воқеалари муносабати билан Республика Олий судида давом этаётган очиқ суд мажлисларини кузатиб бориб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилмоқдаман. Чет эл оммавий ахборот воситалари шу ўринда ҳам яна найрангларини авж олдиришмоқда. Улар гўёки «тинч норозилик намойиши» қатнашчилари суд қилинаяпти, дея бўҳтон қилишаётир. Лекин Юртбошимиз айтганларидек, мустақил Ўзбекистон ўзи танлаган йўлидан оғишмай бораверади, уни ҳеч қандай куч, бирор-бир таҳдид ёки хуруж бу йўлдан оғдиролмайди. Ҳеч қандай ёлғон-яшиқ ва бўҳтонлар ёвуз кучларнинг қонли кирдикорларини хаспўшлай олмайди. Улар қилмишларига яраша жазо олишади. Айни пайтда шуни ҳам яхши биламизки, бизнинг муаммоларимизни ҳеч ким четдан келиб ҳал қилиб бермайди. Биз ўз мамлакатимизда ўзимиз барқарорликни барпо этиб, шу юртимизда яшаб турган барча миллатлар билан баҳамжиҳат бўлиб, мамлакатни иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш режаларини ўзимиз амалга ошираверамиз. Бугун давом этаётган суд мажлислари ҳар қандай жиноят, террорчилик ҳаракатлари қонун асосида жазоланишини тасдиқламоқда, мамлакатимиз мустақиллигини ардоқлаб, сақлаб қолишимиз ва мустаҳкамлашимизга ишончимизни кучайтирмоқда.

**Акром МАМЕДОВ,**
**халқ маорифи аълочиси,**
**Оҳангарон.**

**2006 йил учун обуна давом этмоқда**

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.**

